

# ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ АҲБОРОТ ХИЗМАТИНИНГ БАЁНОТИ

Чўнғара бир кун

Фарғона вилояти ҳокимлиги Аҳборот хизмати тайёрлаган шу сарлавҳали хабарга илова қилинган бир фотосурат айрим интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда муҳокама бўлаяпти. Шу муносабат билан қуидагиларни билдиришни лозим деб топдик.

Чўнғара анклав (ҳар томондан бошқа мамлакат ҳудуди билан ўралган) ҳолатдаги қишлоқ бўлиб, унда 240 та хонадон, 1401 нафар аҳоли яшайди. Ўзбекистон Президентининг доимий эътиборида бўлган қишлоқ аҳолисига шу ҳафтада ҳар бир оиласа бир қопдан ун, ёғ, шакар бепул берилди. Вилоят ҳокими Шуҳрат Фаниев вилоятдаги барча масъул шахслар билан борган 18 январ куни эса:

- 320 млн сўмлик дори дармон олиб борилиб, барча аёллар, болалар, беморлар тиббий кўрикдан ўтказилди. Бу иш бугун ҳам давом этмоқда;
  - Фидоий ва фахрий инсонларга “Косонсой”, “Товоқсой” ва “Қизилтепа” сиҳатгоҳларига бепул йўлланмалар берилди;
  - Қишлоқдаги 259 ўқувчиси бўлган мактабга 50 та компютер (столи билан), спорт анжомлари (теннис столи, тўплар, бокс жиҳозлари) 2 та телевизор, 2 мингта китоб, 30 та мусиқа асблори совға қилинди.
  - Фахрий оқсоқолларга 50 та велосипед тарқатилди.
  - Ёшларнинг тадбиркорлиги учун берилаётган кредитга вилоят ҳокимининг ўзи банк олдида кафолат хати ёзib берди;
  - Четдан қатнаб ишлайдиган ўқитувчилар учун икки қаватли уч хонали 15 та хонадонли уй қуриб бериш хақида қарор қабул қилинди ва ер ажратилди;
  - 50 ўринли илк болалар боғчаси очилди ва яна 80 ўринли болалар боғчаси қурилишига маблағ ажратилиб ер танланди;
  - 240 та хонадонга бепул газ балонлари тарқатилди;
  - Янги подстанция ўрнатилиб, 5км га электр линияси тортилмоқда.
  - 1,5 км янги ичимлик суви тармоғини тортиш ишлари бошлаб юборилди.
- ... Хуллас кичик бир қишлоққа бир галги ташриф чоғида шунча ишлар қилинди.

Дастлаб чўнғаралик ёшлар билан учрашув бўлди. Ҳоким катта зали бўлган бинога кираверишдаги унинг айвончасига етганида тўсатдан зал ичидан суратдаги қиз нон кўтариб чиқиб келди. Ҳоким унинг раъйини қайтармай, нондан тотинда ва қизни етаклаб залга кирди. Шу заҳоти чўнғаралик ташкилотчиларга бошқа бундай қилмасликни тайинлади. Қизча залдан атиги бир, нари борса икки дақиқага айвончага чиқди холос.

Нега Чўнғара аҳолиси давлат вакилига бундай ҳурмат кўрсатганининг сабабларини юқорида айтдик. Шундай бўлсада бундай “эҳтиром” шаклини қувватламаймиз. Лекин бизни бошқа нарса ташвишга солади. Бу қишлоққа аввало Президентимиз, вилоят ҳокимлиги шунча эътибор қаратяпти. Халқ бундан миннатдор. Аммо бир сурат танқидчилари аслида нега давлат вакили бўлган ҳокимни чўнғараликлар нон билан кутиб олганлари сабабига тўхтамадилар. Аслида бу қишлоқ аҳлининг уларга, давлат кўрсатаётган ғамхўрликка миннатдорчилиги рамзи эди холос. Қолаверса ҳоким ҳеч кимга бундай кутиб олиш ҳақида топшириқ бермаган.

---

профессионал камчилигим.

Барчага ҳаётдан ҳикмат излашни тилаб қоламиз.

Фарғона вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-01-20 09:58:27